

VIII. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2020 йил январь-март)

	Млрд. сўм	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан, % да
Жами хизматлар	2 005,5	108,2	100,0
<i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	120,1	116,2	6,0
Молиявий хизматлар	322,9	131,5	16,1
Транспорт хизмати	372,6	104,3	18,6
<i>шу жумладан:</i> автотранспорт хизматлари	330,7	106,2	16,5
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	41,1	100,3	2,1
Савдо хизматлари	659,1	105,6	32,9
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	59,1	101,7	2,9
Таълим соҳасидаги хизматлар	78,7	95,1	3,9
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	40,6	112,4	2,0
Ижара ва прокат хизматлари	41,6	106,2	2,1
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	52,8	104,3	2,6
Бошқа шахсий хизматлар	138,1	101,4	6,9
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	25,0	87,9	1,2
Бошқа турдаги хизматлар	53,8	101,5	2,7

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (32,9 %), транспорт хизматлари (18,6 %), молиявий хизматлар (16,1 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,0 %) ташкил этган.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни соғлиқни сақлаш хизматлари (2,0 %), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,2 %) ташкил этган.

2020 йил январь-март ойларида бажарилган хизматлар таркиби, (фоизда)



2020 йил январь-март ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 2 005,5 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1 051,3 млрд.сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 24,5 %ни ташкил қилди. (2019 йил январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати 112,6 %ни).

Молиявий хизматлар 131,5 %га ошган ва жами хизмат таркибида 16,1 %ни ташкил этди.

Транспорт ва алоқа хизмати 104,3 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 18,6 %ни ташкил этди.

Савдо хизмати 105,6 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 32,9 %ни ташкил этди.

Таълим соҳасидаги хизматлар 95,1 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 3,9 %ни ташкил этди.


Бошқа шахсий хизматлар 101,4 %га ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 6,9 %ни ташкил этди.

Меморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 87,9 %га ошган бўлиб, жами хизмат таркибидаги улуши 1,2 %ни ташкил этди.


2020 йил январь-март ойларида кўрсатилган хизматлар таркиби
(жами хажмга нисбатан, % да)



Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқарилиши
(2020 йил январь-март, млрд.сўм)



Шаҳар ва туманлар кесимида кўрсатилган хизматлар ҳажми аҳоли жон бошига
(2020 йил январь-март, минг сўм)




Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Наманган шаҳрига 1 058,8 млрд. сўм (108,8 %) ва Чуст туманига 136,2 млрд. сўм (108,5 %)га тўғри келди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Наманган шаҳри (1 683,3 минг сўм), Наманган тумани (565,5 минг сўм) ва Поп тумани (545,6 минг сўм)ларида қайд этилди.

**Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми
(2020 йил январь-март)**

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	Млрд. сўм	2019 йил январь-март ойларига нисбатан, % да	жами хизматлар ҳажмига нисбатан, % да	минг сўм	2019йил январь-март ойларига нисбатан, % да
Вилоят жами	2 005,5	108,2	100,0	710,7	105,9
Наманган ш.	1 058,8	108,8	52,5	1 683,3	106,3
Мингбулоқ	46,8	106,1	2,4	370,2	103,9
Косонсой	68,8	106,8	3,5	328,3	104,4
Наманган	101,4	107,4	5,1	565,5	105,0
Норин	50,1	109,8	2,5	306,1	107,7
Поп	119,9	106,2	6,1	545,6	104,3
Тўрақўрғон	121,3	109,1	6,0	536,3	106,8
Уйчи	70,5	107,5	3,6	331,0	104,2
Учқўрғон	77,9	105,9	4,0	452,6	103,9
Чортоқ	90,4	107,8	4,5	454,2	105,8
Чуст	136,2	108,5	6,8	512,4	106,4
Янгиқўрғон	63,4	107,9	3,2	291,0	105,7

**2020 йил январь-март ойларида алоҳида хизмат турлари
ҳажмининг таққосланиши, млрд.сўмда**



Хизматлар ҳажмининг нисбатан сезиларли бўлмаган ҳолда ошиши меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар. Уларнинг ҳажми 2019 йил январь-март ойларига нисбатан 0,1 млрд.сўмга ошди.

Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (131,5 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (116,2 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизмат (112,4 %), ижара ва прокат хизматлари (106,2 %), савдо хизматлари (105,6 %), каби хизмат турларида қайд этилди.

Транспорт хизматлари таркибида етакчи ўринни автомобил транспортида кўрсатилган хизматлар (88,8 %) эгаллайди


Ёрдамчи транспорт фаолияти транспорт хизматлари умумий ҳажмининг 10,9 % ни ташкил қилади.

Почта ва курьерлик фаолияти бўйича транспорт хизматларининг 0,3 % ни ташкил этади.

Савдо хизматлари таркибида автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга. 2020 йил январь-март ойларида унинг улуши 79,0 % ни ташкил этади.


Улгуржи савдо бўйича хизматларнинг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 14,6 % га етди.

2020 йил январь-март ойларида транспорт турлари бўйича транспорт хизматлари таркиби, *фоизда*



Аҳолининг даромадлари даражасининг ошиши билан истеъмол талаби ва савдо айланмаси ўсмоқда.

Автомобиллар ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар умумий савдо хизматлари ҳажмида 5,4 % ни эгаллайди.



- Автомобиллар ва мотоцикллар таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда автомобил ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар
- Улгуржи савдо бўйича хизматлар (автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари)
- Автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар